



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 629и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Боғот тумани ҳокимининг 2018 йил
12 мартдаги 663к-сонли қарорига тегишли
ўзгартириш киритиш тўғрисида

Боғот шаҳарчасида яшовчи фуқаро Собиров Баҳром Зариповичнинг Боғот шаҳарчасида жойлашган “Нотурар жой” биносини бузиб, ўрнида 3 (уч) қаватли қилиб, биринчи қавати нотурар, иккинчи ва учинчи қаватларини турар жой қилиб қуришга рухсат бериш тўғрисидаги қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-С-418-сонли аризасини, Боғот туман Архитектура ва қурилш бўлимининг 2020 йил 26 февралдаги № 73-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани ҳокимининг 2018 йил 12 мартдаги 663к-сонли қарорининг биринчи бандига қуйидагича ўзгартиришлар киритилсин:

-Боғот тумани ҳокимининг Боғот шаҳарчасида жойлашган “Нотурар жой” биносини бузиб, ўрнида 3 (уч) қаватли қилиб, биринчи қавати нотурар, иккинчи ва учинчи қаватларини турар жой қилиб қуришга рухсат бериш тўғрисида”ги 2018 йил 12 мартдаги 663к-сонли қарорига “Боғот шаҳарчасида жойлашган “Нотурар жой” биносини бузиб, ўрнида 3 (уч) қаватли қилиб, биринчи қавати нотурар, иккинчи ва учинчи қаватларини турар жой қилиб, 3 (уч) йил мобайнида тўлиқ қуриб фойдалинишга рухсат бериш деб ўзгартириш киритилсин.

2. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва фуқаро Собиров Баҳром Зариповичга етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил март ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев